

PAPER

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ – ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАРБИЯСИНИНГ АСОСИ

Madaliyev Asqarali Yigitaliyevich^{1,*}

¹Toshkent davlat tibbiyot universiteti 1-son o'zbek va xorijiy tillar kafedrası o'qituvchisi

* madaliyev70@mail.ru

Abstract

Мазкур мақолада халқ оғзаки ижоди воситасида ёшларни тарбиялашнинг аҳамияти масаласи қисқача кўриб чиқилади.

Key words: дoston, халқ оғзаки ижоди, «Алпомиш» дostonи, меҳнаткаш халқ, фольклоршунос, қахрамонлик дostonлари, жангнома дostonлари, тарихий дostonлар, романтик дostonлар, китобий дostonлар, маънавий ахлоқий тарбиялаш, ёшлар, маънавий ахлоқий қадриятлар, миллий истиқлол ғояси.

Марказий Осиёнинг энг қадимги халқларидан бўлган ўзбек халқи маънавий-маданият тарихида сўз санъатининг қадимги тури ҳисобланган халқ оғзаки ижоди, айниқса, дostonлар ғоят фахрли ўрин тутган. Меҳнаткаш халқ оммасининг ғоявий, ахлоқий, маърифий ва эстетик тақомилида халқнинг асрлар давомида турмуш тажрибалари, озод ва фаровон ҳаётга интилишлари, адолатсизликка қарши курашлари ўзифодасини топган. Бу борада «Алпомиш» дostonининг аҳамияти жуда каттадир.

Ўзбек халқ дostonлари жаҳон халқлари эпослари сингари ўзининг юксак ғоявийлиги, бадий камолоти билан алоҳида ўрин тутади. Дoston эпик ижодиётининг жуда қадимий тури сифатида барча халқлар оғзаки адабиётида мав-

жуд эпос халқ ҳаётини объектив-баёний характерда тасвирловчи кенг кўламли кўп тармоқли асардир. Унда ўтмишдаги улкан бурилишлар, кескин ўзгаришлар акс этади. Халқ оғзаки ижоди асарлари эса яратилиш жиҳатидан меҳнаткаш халқ билан бевосита алоқада бўлганлиги учун ҳам бу соҳада бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган материалларга бойдир. Дoston сўзи қисса, ҳикоя, шону-шуҳрат, саргузашт, таъриф ва мақтов маъноларида ишлатилади. Унинг ижодий тарихи йиллар билан эмас, балки асрлар билан ўлчанади. Тадқиқотчиларнинг ёзишича, эпос (дoston) ўтмиш зомонлар туғрисида қахрамонлик ғоявийлиги кўламидаги ҳикоялар, ривоятлардир. Академик В.М.Жирмунский таърифича: «Эпос-бу халқнинг қахрамонлик идеали-

Compiled on: December 4, 2025.

Copyright: ©2025 by the authors. Submitted to Advances in Science and Education for possible open access publication under the terms and conditions of the [Creative Commons Attribution \(CC BY\) 4.0 license](#).

зацияси кўламидаги жонли ўтмишидир. Унинг илмий тарихий қимматли, айна пайтда, жуда катта ижтимоий, маданий-тарбиявий аҳамияти ҳам шундадир».

Фольклоршунос М.Саидовнинг ёзишича, достон мураккаб санъат асари бўлиб, унинг достон бўлиш учун адабий текст, мусиқа бўлиши учун адабий текст, мусиқа бўлиши, кўйловчи ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган ва соз черта билиши зарур». Бу тушунчаларда ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ, балки уларнинг бири иккинчисини тўлдиради. Ўзбек эпосининг биринчи тадқиқотчилари В.М. Жирмунский ва Х.Т.Зарифовларнинг таърифича достон жанрининг яна бир муҳим хусусияти унинг ўтмиш билан, халқ тарихи билан маҳкам боғлиқлиги ҳам ўзига хос равишда ҳисобга олинган. Достонларда ҳақиқий ва идеал тарих бирлашиб, чатишиб кетган, халқимизнинг ахлоқий, фалсафий диний қарашлари, ҳаёти, урф-одат ва маишати тарзда ифодалангандир.

Ўзбек халқ достонлари кўп тиркамли ва кўп мавзули бир ижоддир. У узоқ асрлар давомида яратилиб, турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда куйланиб келинди, шу тариқа унда турли замонлар қатлами вужудга келди. Бу ҳол уларнинг ҳар жиҳатдан асосланган илмий таснифини беришни муайян турларга бўлиб ўрганишни ниҳоятда қийинлаштиради. Халқимиз орасида достонлар ҳам бир неча турларга бўлинади. Фанда ўзбек халқ достонларининг бир неча классификациялари мавжуд. Дастлабки тасниф олимлар В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовлар томонидан берилган. Улар ўзбек халқ дотонларини:

- а) қаҳрамонлик эпоси;
- б) жангномалар;
- в) тарихий мавзудаги достонлар;
- г) романтик достонлар;
- д) адабий достонлар;
- е) янги достонлар кабиларга бўлиб, «Гўрўғли» туркумини оладилар.

Бу биринчи тасниф сифатида кейингиси учун асос бўлди. М.Саидовнинг таснифи эса алоҳида ажралиб туради. У дастлаб халқ достонларини оғзаки ва ёзма достонлар тарзида иккига бўлади. Сўнгра оғзаки достонларини оғзаки ва ёзма достонлар тарзида иккига бўлади. Сўнгра оғзаки достонларни:

- а) қаҳрамонлик;
- б) жангнома;
- в) тарихий;
- г) соф севгини кўйловчи;

д) романтик достонлар каби турларни кўрсатади. Бу иккита классификациянинг барча афзалликларини ҳисобга олиб, асосан ички бўлинишларга диққат қилади. Фольклоршунослар ўзбек халқ достонларини қуйидаги турларга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб топадилар;

- 1. Қаҳрамонлик достонлари.
- 2. Жангнома достонлари.
- 3. Тарихий достонлар.
- 4. Романтик достонлар.
- 5. Китобий достонлар.

Ўзбек халқ достонлари жаҳон халқлари эпослари сингари ўзининг юксак ғоявийлиги бадиий камолоти билан алоҳида ўрин тутди. Достон эпик ижодиётнинг жуда қадимий тури сифатида барча халқлар оғзаки ижодиётида мавжуд. «Алпомиш», «Рустамхон», «Гурўғли» каби ўзбек халқ достонларининг яратилиши халқ оғзаки ижодиёти тарихида ноёб учрайдиган ҳодисалардан бўлиб, улар умуммаданият хазинасига қўшилган бебаҳо маънавий ҳисса бўлиб саналади. Ўзбек «Алпомиш»и қорақолпоқ ва қозоқларнинг «Алпамыс» и уғузларнинг «Бомси-байрак» асари татарча ва бошқирдча «Алпамша», «Алпамыша ва Барчин хилуу», уйғурча «Алиш Манаш» ва бошқалар туркий халқларнинг жуда катта ҳудудига тарқалган қадимий эпосининг муайян ўзгаришлар билан бизгача етиб келган намуналари бўлади. Булар фольклоршуносликда «Алпомиш» достонининг қўнғирот, уғиз, қипчоқ ва олтой версиялари деб юритилади. Уларнинг яратилиш турли даврлар ҳамда этник гуруҳлар тарихи билан боғланади.

Ўзбек «Алпомиш»нинг яратилиши даври ҳақида турлича қарашлар мавжуд. «Алпомиш» достонининг ўзбек халқ санъатида яшаш шароитлари ва катта шухрати умуман, ўзбек достончилигининг жонли оғзаки анъанаси асрлар давомида фанда маълум бўлмай келди. Рус ориенталисти Е.Ф.Кальнин ўз кундалигида 1890 йилнинг октябрида Термиз яқинидаги Солихаобод қишлоғида ўзбек қўнғирот уруғининг айинли аймоғига мансуб Омманазардан

достон тинглаганини, у уч саотга яқин тухтовсиз кўйлаганини ёзади. Лекин, у қайси достонни тинглаганини аниқ кўрсатмаганидек, ўзи эшитган достоннинг мазмунини ҳам матбуотда эълон қилмаган эди.

Е.Ф.Кальнинг кундалигида ривоятлар ҳақидаги қайдлар борки, улар ўзи илгарироқ эшитган достонга алоқадор эканлиги ёзилган. Бу маълумотларни синчиклаб ўрганган Х.Т.Зарифов Е.Ф.Кальнинг тинглаган достони «Алпомиш» эканлигини аниқлайди. Қорақалпоқ ва қозоқ халқларининг «Алпамыс» достони XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида ёзиб олиниб, фан оламига чақирила бошлаган бўлса, ўзбек «Алпомиш» и ҳам илм аҳлларига XX аср бошларида маълум бўлди.

В.М.Жирмунский «Алпомиш» достони устида энг биринчи илмий тадқиқот ишларини олиб борган олим ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ўзбек олими Х.Т.Зарифовнинг ҳам бу борада олиб борган ишлари диққатга сазовор. А.К.Боровков, Л.И.Климович, Ш.М.Абдуллаева, Х.С.Сулеймонов, М.Жабборов, М.И.Богданов, Л.Н.Петровский, М.Шайхзода, Н.С.Смирнова, Т.Содиқов, И.Т.Сагитов, А.А.Валитова, М.И.Афзаловлар ҳам «Алпомиш» достони бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, уни илм-фан оламига танитган олимлардир. «Алпомиш» достонининг классик ўзбекча варианты бахши Фозил Йўлдош ўғлидан 1928 йили ёзиб олинган. Достоннинг шеърӣ қисми 14,000 мисрага яқин. Достоннинг ўзбекчаси 1939 йилда Ҳамид Олимжон таҳрири остида қисқача нашр этилган. «Алпомиш» достонида уруғчиликнинг емирилиш даврда чорвадор халқимизнинг ҳаётида давлатчиликнинг пайдо бўлиши муносабатлари, ижтимоӣ-сиёсий ҳаёти, удумлари, ахлоқ-одоби, қардошлиқ туйғулари, кураши, фикрлари, орзу – ҳаваслари ёрқин ифодаланган. «Алпомиш» достонини ёзиб олиш, ўрганишда биринчи бўлиб Туркистон Маориф Комиссариати Давлат Илмий Кенгашининг ўзбек билим комиссиясининг аъзоси сифатида ўзбек шеъвалари ва ўзбек этнографияси ҳақида материаллар тўплаш учун илмий хизмат сафари билан ноҳияларга юборилганда анчагина фольклор материалларини тўплади.

Шу жумладан, Сирдарё вилоятида Ҳамроқул

бахшидан, Самарқанд вилоятида Фозил Йўлдош ўғлидан «Алпомиш» достонининг бир қисмини ёзиб олди, ундан айрим парчаларини «Билим учоғи» журналида кичик бир муқаддима билан нашр этди. Ғози Олим Юнусов «Алпомиш» ҳақида ёзган кичик сўз бошисида ўзи ёзиб олган достон унгача эълон қилинган қозоқ ва қорақалпоқ версияларидан тўлиқлиги ҳамда бадиӣ мукамаллиги билан ажралиб туришини таъкидлайди. У ўз олдига достонни илмий жамоатчиликка маълум қилиш ва шу билан илмий жамоатчиликнинг диққатини ўзбек халқ достонларини ўрганишга жалб этишни асосий мақсад қилиб қуйган эди. 20-йилларда «Алпомиш» достони ҳақидаги мулоҳазалар асосан Ғози Олим Юнусов материаллари асосида бўлди. «Алпомиш» достонини илмий асосда нашр этиш ва ўрганиш 30-йилларнинг охирларидан бошланди. Бу жиҳатдан дастлабки ташаббусни Ҳоди Зариф ва Ҳамид Олимжонлар бошлаб берди. Шундай қилиб, 40-йилларда фольклоршуносликда «Алпомиш» достони юзасидан қимматли текширишлар олиб борилди.

Аммо 50-йилларнинг бошларида айрим тадқиқотчилар халқ асрлар давомида севган, қадрлаган ва бизгача етиб келган ноёб дурдоналарга шошмашошарлик билан баҳо бериб, уларни тозалаш баҳонасида йўқ қилиб юборишга ўринадилар. А.Абдунабиев ва А.Степанов кабилар «Алпомиш» достони ҳақида ёзган мақолаларида достонни халққа қарши реакцион деб эълон қилдилар. Баъзи олимлар эса унинг ғоявий мазмунини бўзиб, «қонли урушларни кўкларга кўтариб мақтовчи, хон ва бекларнинг талончилиги ва уларнинг камбағал халққа ўтказган зулмини дабдаба билан кўйловчи, миллатчиликни тарғиб қилувчи, халққа қарши асар» – деб баҳоладилар. Лекин республикаимиз фольклоршунослари бундай нотўғри чиқишларга қарши зарба бериш, халқ эпосини сақлаб қолишни муҳим масала сифатида кўтардилар.

Бу борада олимларимиздан А.К.Боровков, Х.Т.Зарифов, О.А.Валитова, М.И.Афзалов ва бошқалар «Алпомиш» достонига нисбатан бўлган нотўғри (нигилистик) муносабатларни қаттиқ танқид қилдилар ҳамда «Алпомиш» достонининг ғоявий мазмуни, унинг бадиӣ, халқчил хусусиятлари ҳақида муҳим ва қимматли фикрлар баён этдилар. Фақат ўзбек

«Алпомиш» игина эмас, шу билан бирга бу улкан эпоснинг (достоннинг) қозоқ, қорақалпоқ, татар, бошқирд, олтой, тожик версиялари устида ҳам жиддий муҳокамалар юритилди. Москва, Ленинград, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Тожикистон, Татаристон, Бошқиристон, Олтой, Грузия ва бошқа қардош халқларнинг эпосшунос олимлари ҳам достонни ҳимоя этиб чиқдилар.

Олимлардан А.К.Боровков, Х.Т.Зарифов, В.М.Жирмунский, Ш.М.Абдуллаева, Х.С.Сулаймонов, Л.И.Климович, М.М.Богданова, О.А.Валитова, Н.С.Смирнова, И.Т.Сагитов, Т.Садиқов, М.Шайхзода ва бошқалар чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Улар ўз тадқиқотларида «Алпомиш» достонининг яратилиш тарихи, достоннинг ғоявий мазмуни, тузилиши, бадий хусусиятлари, қаҳрамонлар таснифи, достонда хотин-қизлар муаммоси ва бошқа муҳим масалаларни тадқиқ этдилар. Лекин шунга қарамасдан бу достон ҳали педагогик жиҳатдан ўрганилмади. Достондаги Шарқ халқларига хос жуда катта аҳамиятга эга бўлган умуминсоний ва миллий қадриятлар, тарбиявий аҳамиятга эга ўғит-насиҳатлар мавжуд. Ўқувчиларга халқимизнинг қаҳрамонона ўтмиши, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, урф-одати, удумлари, ахлоқ-одоби, дўстлик, қардошлиқ тўйғулари, кураши, фикрлари, орзу-ниятлари ҳақида тушунча беришимизда достон муҳим манба саналади.

«Алпомиш» – ватанрапварлик, қаҳрамонлик, мардлик, севги-ва дўстлик ва тўғрилиқ ҳақидаги достон. Ундаги бу миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний ва миллий қадриятлар жуда кўп образлар орқали тасвирланади. Келажак авлодларимизни, ўқувчиларимизни халқ мероси, қадриятларини ҳурмат қилишга, уларни ўрганишга йўллайди. Республикамиз мустақилликка эришгач, қадриятларимизни ҳар тарафлама ўрганишга катта эътибор билан қаралмоқда. Ҳозирги вақтда таълим тизимида халқимизнинг бола тарбиясидаги қадимий миллий таълим-тарбия тажрибаси асосига таяниш мақсад қилиб қўйилган экан, халқимизнинг севимли достони «Алпомиш» бу борада энг муҳим манбалардан саналади. Ундаги миллий тарбия имкониятларини очиб бериш миллий қадриятларимизни ўрганиш

ва уларни таълим-тарбия истеъмолига киритиш асосий вазифаларимиздан саналади. Биз достонда ифодаланган маънавий-ахлоқий қадриятларни қуйидагича туркумлаштирдик:

1. Оилавий қадриятлар.
2. Маданий – маърифий қадриятлар.
3. Бадий ва эстетик қадриятлар.
4. Жисмоний, чиниқтирувчи қадриятлар.
5. Меҳнат қадриятлари.
6. Маиший турмушга оид қадриятлар.
7. Маънавий-руҳий қадриятлар
8. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар.

«Алпомиш» достони икки қисмдан иборат бўлиб, унинг мазмунидан маълум бўладиги, биринчи қисмида оила учун кураш ғояси, иккинчи қисмида эса уруғ бирлиги учун, ўз элининг ор-номуси учун кураш ғояси илгари сурилади. Достондаги оилавий қадриятлар ўқувчиларни тарбиялашда жуда ҳам аҳамиятли. Масалан, «Алпомиш» достонида севимли ёр, оила ва фарзанд, уруғ бирлиги йўлида кўрсатилган мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, халқлар биродарлиги, дўстлиги достоннинг асосий мазмуни ва қаҳрамонлари Алпомиш, Барчин, Култой ва Ёдгорлар тимсолида намоён бўлади. Масалан, достонда боланинг дунёга келиши шундай ифодаланади: «Бойбури» сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, эгиз эмас ёлғиз берди. Бундан борсанг, фарзандларингни кўрсанг, халойиқларни йиғсанг, тўй-тамоша берсанг, тўйда қаландир бўлиб бориб, болаларнинг отини ўзим қўйиб келаман. Бойбичаларга шунда тулғоқ яқин этди, кампирлар бойбичани айлашиб, тулки инланган тозидай бўлиб ангиб, ўртага олиб турибди. Бийлар шул вақт овдан қайтди, бу ёқдан шул вақт фарзандлар ер юзига тушди. Бир нечалар бийларнинг олдида чиқиб суюнчи олди». Достонда оилада боланинг дунёга келишида катта ёшдаги кампирларнинг қатнашгани, катта ёшдаги кампирларнинг бу ишда маълум бир даражада тажрибага эга бўлгани, «Суюнчи» сураш одати ҳозир ҳам бизнинг турмушимизда бор. Бу ҳам бизнинг халқимизнинг урф-одатларидан бири ҳисобланади. Иккинчидан, бола дунёга келганидан кейин бўладиган урф-одатлар ҳам учрайди.

Қадимги ота-боболаримизнинг бола туғилганидан сўнг бўладиган тўй-маросимларини ҳам учратамиз. Қўнғирот бийлари шундай

қувончли, иккаласи ҳам фарзандли бўлди, туй-тамошалар берди. Мана шундай ота-боболаримиздан қолган урф-одатлар ҳозирги вақтда ҳам мавжуд. Болага от (исм) қуйиш аввалдан келаётган одат ҳисобланади. Ана шунинг учун болага от (исм) қўйишдан олдин маслаҳат қилиб иш тутса, яхши бўлади. Айрим одамлар тўғилган гудакнинг келажаги яхши обод бўлсин деб шунга мослаштириб от қўйишади. Бу албатта, ёмон емас. От (исм) қуйиш масаласи ҳозирги турмушимизда муҳим масала ҳисобланади. Болага элнинг катта оқсоқоли исм қўйиши керак. Алопомиш, Барчин ва Қалдирғочнинг отларини элнинг катта оқсоқоли Шохимардон пирим қўяди, яна уларнинг келажаги яхши бўлсин деб фотиҳа қилади. От (исм) қуйиш ҳам халқимизнинг аввалдан келаётган урф-одатларидан ҳисобланади. Болаларни ёшлиқдан саводхонликка ўргатиш ҳам ота-оналар учун муҳим вазифа ҳисобланади. Савод ўргатиш, уларга билим бериш аввалдан келаётган одатларимиздан бири. Мисол тариқасида достондан парча: «Шунда болалар кундан кун ўтиб, ойдан-ой ўтиб, бирдан-иккига қараб, иккидан-учга кириб, тили чиқиб, элга эниб, тили чиққандан кейин тутиб, учовини ҳам мактабга қўйди. Булар мактабда ўқиб юриб етти ёшга кирди. Бурро, саводхон, саводи чиқиб, хат ўқиб ёзадиган мулла бўлди. Ўғлимга шохлик, сипоҳлик илмини ўргатайин»-деб мўлладан чиқариб олди. Бойсари ҳам Бойбурига таасуб қилди. Бул ҳам Ой Барчин қизини мактабдан чиқариб олди. «Қизимга Қўқамиш қулида қуй соғдириб, чорвадорлик илмини ўргатайин, қуй соғмоққа уста бўлсин», - деди.

Бундан ота-боболаримизнинг аввал оилада боланинг илм, савод, ҳунар ўрганишига катта эътибор билан қараганлигини кўрамиз. Достонда қадимги ўзбек халқимизнинг ёшларнинг оила қурилишидаги туй маросими билан боғлиқ расм-русумлари, айниқса, яққол тасвирланган. Масалан, Ҳақимбек билан Барчинойнинг никоҳ ўқилгандан сунг бажарилган куёвнавқарлар зиёфати, ундан сўнг «кампир ўлди», «ит ириллар», «соч сийпатар», «қўл ушлатар», каби расм-русмлар ҳозирги даврда ҳам Сурхандарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларида турли кўринишларда давом этиб келмоқда. Бундай расм-русмлар икки ёшнинг келгуси му-

стаҳкам оила қуришига замин бўладиган бир имтиҳон даражасида адо этилган.

Шунингдек, достонда ёшларнинг жисмоний чиниқишларига хос қадриятлар ҳам кўплаб учрайди. Халқимизнинг азалдан болаларнинг соғ-саломат, ботир ва жасур бўлиб ўсиши учун қўлланиб келинган, эл синовидан ўтган тарбия усуллари жуда кўп. Достонда шулардан жисмонан чиниқтирувчи кўпкари (улоқ), чавандозлик, мерганлик, кураш ва бошқа турларини кўрамиз. Масалан, Ҳақимбекнинг полвонлар қаторига ўтиши лавҳасини кўрайлик: «Ҳақимбек етти ёшга кирган.

Алопомиш бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти (ёшли) яшар бола Ҳақимбек шул ўн тўрт ботмон ённи қўлига ушлаб кўтариб тортди, тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Асқар тоғининг чўққиларини юлиб ўтди, овози оламга кетди. Бунини эшитган душманлари бу бола зўр бўпти, назар топибди, буларга ҳеч ким баробар бўлолмади, етти яшар бола шундай ишни қилади -деб хафа бўлиб кетди. Дўстларнинг вақти хўш бўлиб юрди. Шунда барча халойиқлар йиғилиб келиб айтди: «Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг, бошлиғи Рустам достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин». Охири Алпомишбек алп бўлиб, санага ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшида Аломиш оти қўйилди. Етти ёшида ёйни кўтариб отгани учун Алпомиш алп аталди».

Юқоридаги парчадан аён бўлиб турибдики, аввал ҳам отабоболаримиз боланинг жисмонан соғлом бўлишига катта эътибор билан қараган. Алпомишнинг етти ёшида оғир ёйни кўтариш, мерганлик билан отиши бу демак боланинг кичкина вақтидан чиққанлигидан, жисмоний тарбия берилганлигидан далолат беради. Ёшлар қадимдан ўзининг топқирлиги, жасурлиги, ботирлигини эл олдида намойиш этиб, синовдан ўтган. Масалан, Ҳақимбек Алпомиш ҳам бу ақл-заковати, куч-қудратини эл олдида намойиш этиб, тўқсон алпнинг энг зўри Қўқалдошни мағлуб этади ва ўз ёри васлига эришади. Шундай қилиб, биз «Алпомиш» достонидаги Алпомиш, Қоражо Барчин образлари тимсолида ифодаланган инсоний қадриятларнинг баъзиларинигина ва улар ҳаёти билан боғлиқ айрим урф-одатларни кўришга муяссар бўлдик.

Шуларнинг ўзидаёқ дostonда илгари сурилган қаҳрамонлик, эл-юртга муҳаббат, мардлик, ватанпарварлик, турли элат ва халқлар бирдорлиги, севги ва садоқат, оила мустаҳкамлиги ва уруғ бирлиги ғояси бирлашиб кетганлигини кўрамиз. Хуллас, «Алпомиш» дostonи туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, унда илгари сўрилган муҳим ғоялар ижобий қаҳрамонлар тимсолида мужассамлашган инсоний фазилатлар, миллий қадриятлар ҳозирги даврда ёш авлодни тарбиялашда, улар орқали маънавий қадриятларимизни, удумлар ва урф-одатларимизни тиклашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек илмий – тадқиқот ишлари натижаси сифатида биз баъзи тавсияларни беришни лозим топдик:

1. Мактабларда ва тарбия муассасаларида ўқувчиларни халқимизнинг маънавий – ахлоқий қадриятлари руҳида тарбиялашнинг энг самарали шакли дарсларнинг такомиллашиб боришига эътиборни қаратиш.

2. Ўқувчилар қизиқишини ҳисобга олиб адабиёт дастурида халқ оғзаки ижодини ўрганиш учун ажратилган вақт миқдорининг кўпайтирилишига эришиш.

3. Педагог, методист олимлар, тажрибали ўқитувчилардан «Алпомиш» дostonи асосида ўқувчиларни маънавий – ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашда синфдан ташқари тарбиявий тадбирлар, тўғарақларнинг қизиқарлилигини ошириш, чунончи тадбирлар ўтказилишини кенгайтириш улар учун махсус дастурлар қўланмалар методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим тизимининг барча бўғинларида ҳар йили, яъни маълум бир санада ўзбек халқининг қаҳрамонона ўтмишини ифодаловчи эпоси – «Алпомиш» дostonининг байрам сифатида юбилей санасини белгилаш ва ўтказишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Биз олиб борган илмий тадқиқот иши ёшларни «Алпомиш» дostonи асосида маънавий – ахлоқий тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Formation of Spiritual and Moral Education of Young People in Society and Its Qualimetry. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 7062–7068.

2. Kholida, S., Akhrarova, Z., Mamura, D., Gulbakhor, I., and Kadamboy, M. (2019). Modular teaching technology based on scientific activity.
3. Мусурмонова О. Ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш. Услубий қўлланма. Тошкент-1996 йил.
4. С.Х. Носирхўжаев ва бошқалар. Маънавият асослари. Тошкент-2009 йил.
5. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: асосий тушунча ва тамойиллар. (Маъруза матнлари учун материаллар). Тошкент-2001 йил.
6. Қорақалпоқ фольклори. Алпамыс.Қоблан. Нукус «Қорақалпоғистон» 1995 йил.

References

1. Jumaevich, K. K., and Abdullajonovna, A. G. (2021). Technology of Cooperation in the